

АХБОРОТ ВА МАДАНИЯТ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

Нодирбек Кодиров

НамДУ мустақил тадқиқотчиси

E-mail: nodirbekkodiroy@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20622214>

Аннотация: Ушбу тезисда ахборот ва маданият тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳамда замонавий ахборотлашган жамият шароитидаги аҳамияти таҳлил қилинади. Ахборот маданияти шахсининг ахборотни излаш, қабул қилиш, таҳлил этиш ва ундан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантирувчи муҳим омил сифатида ёритилади. Шунингдек, маданиятнинг ахборот алмашинуви жараёнларига таъсири ҳамда ахборот технологияларининг маданий ривожланишга қўшаётган ҳиссаси илмий-назарий жиҳатдан асосланади.

Калит сўзлар: Ахборот, маданият, ахборот маданияти, медиа саводхонлик, ахборотлашган жамият, рақамли технологиялар, коммуникация, ахборот хавфсизлиги, маънавий тараққиёт, танқидий фикрлаш, рақамли саводхонлик, таълим.

Ахборот соҳаси ривожланиши билан параллел равишда дунёнинг турли минтақаларида ахборот билан манипуляция қилиш, кибер ҳужумлар, ахборот уруши, сохта сайтлар орқали нобоп маълумотларни ёйиш кўлами ҳам кенгайиб боради. Миллий ахборот маконини мустаҳкамлаш борасида давлат сиёсатининг бир қисми сифатида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларни зарарли ахборотлардан огоҳлантириш вазифаси тўғри ташкил этилиши зарур. Лекин бу борада ягона ҳуқуқий ёки техник чоралар билан кифояланиб бўлмайди. Балки айти пайтда мафкуравий-тарбиявий ёндошув ҳам бўлиши лозим. Ахборотни четдан назорат қилиш билан бирга, киши ўз онгида ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган “filter” шакллантириши керак. Шу маънода, ахборот медиа маданиятини оширишда фуқаронинг шахсий танқидий тафаккурига, ахборотни саралаб қабул қилиш малакасига, дунёқарашининг мустаҳкамлигига таяниш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотлар кўрсатадики, ахборот медиа маданиятини ошириш масаласи фақатгина мақсадли тренинглар ёки семинарлар билан чегараланмайди. Бу жараёнда маданият, адабиёт, санъат, театр, кино индустрияси каби соҳалар ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Чунки ахборот билан боғлиқ тушунчалар турли бадий асарлар, фильмлар, театр саҳналарида, турли тарғибот лойиҳаларида акс эттирилганда, ёшлар ахборотни танқидий қабул қилишни ҳаётий мисоллар орқали ҳис этиб боради. Шу тариқа ахборот медиа маданияти янада чуқурроқ, аёнроқ тарбия механизмига айланади. Жамиятда ахборот саноати билан боғлиқ барча соҳалар коллаборацияда ишласагина, бугунги ёшлар ҳаётида муҳим саналган медиа маданият ривожланади.

Ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан олиб қаралганда, ахборот медиа маданияти жамият тараққиётини белгилаб берувчи механизмлардан

биридир. Чунки ахборот заманавий жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий ресурсга айланиб бўлди. Бу ресурсдан фойдаланиш усуллари ёки усулларининг етишмаслиги жамиятда сиёсий барқарорликка, социал бирдамликка, ҳатто маънавий тикланишга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Ахборот медиа маданияти етарли бўлмаган жойда ахборот олиб келадиган сиёсий мафкуралар, қутблашув, ақидапарастлик, мафкуравий таназзул жамиятни иғво, низо ва рақобатларга тортувчи манба бўлиши эҳтимоли ортади. Шу боис ахборот медиа маданияти ривожланиши орқали жамиятда демократик муносабатлар, очиқлик, фикрлар хилма-хиллиги, сўз эркинлиги каби илғор қадриятлар ҳам мунтазам мустаҳкамланиб боради. Шу ўринда келтириб ўтиш жоизки, ахборот медиа маданиятини юксалтириш бўйича илмий-назарий йўналишлар ичида фалсафий ёндашув алоҳида аҳамият касб этади. Фалсафа ахборотни онгли равишда англаш, ундаги мазмунни тушуниш, ахборот ортида ётган ғоялар, мафкуралар, қадриятлар мажмуини аниқлашда муҳим методологик восита вазифасини ўтайди. Ёшлар ахборотни қабул қилаётганда, худди шўрва ичгандай иссиқ-совуқлигини билиш учун тест қилиб кўради, деганидек, ахборотни фалсафий тафаккур безагида саралайди. Медиа маданият ана шундай онгли синаш, баҳолаш, муҳокама қилиш орқали шаклланади. Албатта, бу жараён доимий талаб этиладиган малака бўлиб, бир марта ёки бир неча марта амалга ошириш билан чегараланмайди. Ёшлар ахборот олаётганда ҳар сафар онгли равишда тушуниш, саралаш, танқидий ёндашувни қўллаш лозимлигини фалсафий методология таъкидлаб келади.

Ахборот медиа маданияти тушунчаси шунчаки ахборот технологиялари имкониятларидан оқилона фойдаланиш билан чегараланиб қолмай, ёшлар маънавиятида, онгу тафаккурида узоқ муддатли таъсирни ҳосил қиладиган чоралар мажмуини назарда тутаяди. Бунда сиёсий-ижтимоий омиллар, яъни ҳуқуқий база, сиёсий муҳит, оммавий ахборот воситалари, таълим тизими, жамоат ташкилотларининг ишчи механизмлари муайян мослашув жараёнидан ўтади. Шу билан бирга ғоявий-назарий асослар, яъни маълум бир мафкура ёки миллий ғоя, умуминсоний қадриятлар замирида ахборотлар билан муносабатларнинг умумий принциби белгилаб борилади. Ёшлар ана шу бирлашган тизим—ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий, илмий, педагогик, психологик асослар билан биргаликда ахборот билан ишлаш кўникмасини эгаллайди. Натижада улар ақлли, яъни тенгқурларига салбий таъсир кўрсатадиган турли материаллардан узоқлашади, сохта маълумотларни аниқлаб, унга қарши туриш механизмларини ўзлаштиради, норасмий манбалардан олинган аҳамиятсиз ёки зарарли ахборотни филтрлайди, ахборот орқали жамият тараққиёти учун фаол иштирокчига айланади. Шу тарзда, “Ёшларда ахборот медиа маданиятни оширишнинг ижтимоий-сиёсий омиллари ва ғоявий-назарий асослари” масаласи хилма-хил жараёнларни қамраб олган мураккаб тизимдир. Бир томондан, бу жараёнда сиёсий-ижтимоий омиллар, яъни ахборот соҳасида демократик тамойилларни ривожлантириш, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, медиа сиёсатининг қулай муҳитини яратиш каби чоралар бош омил сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан, ахборот медиа маданияти тушунчасининг илмий, фалсафий,

мафкуравий асослари унинг мазмунини белгилаб беради. Ёшлар ахборот билан муносабатда бўлар экан, ахборотни шарҳлаш, қабул қилиш, таҳлил қилиш, филтрлаш каби кўникмаларни эгаллаш билан бирга, ундаги турли гоёлар, мафкуралар, қадриятларни англаш, баҳолаш, рад этиш ёки қабул қилиш қобилиятини ҳам шакллантириши лозим. Бу қобилият, энг аввало, маънавий қадриятлар, миллий гоё ва умуминсоний принциплар билан бойитилганда, ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланганда, илм-фан, таълим тизими орқали методик асосда таълим бериб борилганда самарали бўлади.

Демак, ёшларда ахборот медиа маданиятини ошириш – бу узлуксиз, ҳар томонлама пухта режалаштирилган, ҳар бир ахборот ишлаб чиқарувчи, қабул қилувчи ва тарқатувчи субъекти томонидан биргаликда амалга ошириладиган ташкилий-ижтимоий жараён дир. Мазкур жараёнда сиёсий-ижтимоий омиллар (демократик ҳуқуқий база, ахборот хавфсизлиги, ахборот соҳасида рақобат ва очиқлик муҳитининг мавжудлиги) билан биргаликда гоёвий-назарий асослар (фалсафий, социологик, педагогик ёндашувлар, миллий мафкура, умуминсоний қадриятлар) мавжуд бўлиши шарт. Шу йўсинда ахборот медиа маданияти тарбиявий, маънавий, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳалқалардан иборат барқарор тизимга айланади. Бунда ҳар қандай даврда, ҳар қандай технологик ислоҳотлар ёки сиёсий ўзгаришлар бўлмасин, ёшлар ахборот маконида мустақил, танқидий, маънавий баркамол кўникмалар эгаси бўлиб қолаверади. Ана шунда ахборот медиа маданияти жамиятда замонавий демократик, очиқ, ҳуқуқий, маънавий принципларга асосланган турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилади. Бу эса жамият фаровонлиги ва ёш авлод келажагини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Исмоилов А. “Ахборот маданияти ривожланиш босқичлари: назарий таҳлил”, - Навоий: Фан, 2021, -Б.320
2. Жонов М. “Глобал ахборот алмашинувининг замонавий муаммолари”, - Тошкент: Университет нашриёти, 2018, -Б.250.
3. Собиров Б. “Жамиятда ахборот муносабатларининг тарихий эволюцияси”, - Самарқанд: Ибн Сино номидаги нашриёт, 2020, -Б.410
4. Каримова Д. “Чоп этиш технологиясининг жамият ривожига таъсири”, - Тошкент: Фан, 2017, -Б.280
5. Маҳмудов Ш. “Чоп этиш инқилоби ва жамиятда ахборот иштироки”, - Тошкент: Нашр, 2019, -Б.300
6. Шукуров А. “Медиа ривожланиши ва визуал ахборот вақтида ахборот маданияти”, - Тошкент: Media House, 2021, -Б.265
7. Жамолов И. “Рақамли жамият шаклланиши ва ахборот маданияти эволюцияси”, - Тошкент: Акалем, 2022, -Б.350
8. Саидов А. “Глобаллашув шартларида ахборот маданиятини шакллантириш тамойиллари”, - Тошкент: Истиқбол, 2020, -Б.310